



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 81 (20 348)

1989 йил 6 апрель, пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КУБАДА БЎЛИШИ



М. С. Горбачев Куба Халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси сессиясида нутқ сўзламоқда.

(ТАСС—УзТАГ телефотоси).

ГАВАНА. 5 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Кеча арталб Гавананин Агройо-Наранхо районини бошқариб кетган йўловчилар орасида оқ каска кийган курувчилар ҳам кўп эди. Улар кўнгилли микробригадаларнинг аъзолари. 4 апрель кўни М. С. Горбачев рафисас билан, Ф. Кастро, Куба Компартияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Куба ҳоким қизлари Федерациясининг раиси В. Эспино курувчилар ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар.

Микробригадалар Кубадаги деярли ҳар бир катта корхона ва муассасада тузлади. Бундай бригадаларга фанат кўнгилчилар, шу жумладан ўз уй-жой шартининг яхшилашдан манфаатдор бўлган кишилар кирадилар.

Курилиш майдонларидан бирида ишчилар билан қизин суҳбат бўлиб ўтди.

М. С. Горбачев: Хўш, кайфиятларингиз қалай?

Ишчилар: Кайфиятимиз яхши, биз мамнунимиз. Фақат биз, курувчилар эмас, шу ерда яшаётганларнинг ҳаммаси ҳам мамну.

Курувчилар муночиликда салкам 180 миң киши яшади, бир неча миң оила янги квартиралар муҳтожлиги ҳақида гапирдилар.

Ф. Кастро: Давлат уларга қурилиш материалларини, механизмларини, барча зарур нарсаларни беради.

М. С. Горбачев: Уларнинг қанча квартиралар олинди?

Овоз: Квартираларнинг бир қисминини мундирлик ҳокимияти органлари ихтиёрига топширмади, қолганларини эса биз учун акратилди.

М. С. Горбачев: Курувчиларга мурожаат қилиб бундай деди:

Уларнинг учун ўзларингиз уй қураётганингиз яхши... Ҳаммагизга пишиқ, тез қуриб, тетроқ квартира олишингизни тилаймиз. Бу уларни сизлар асрашларингизга ишончим комил, чунки уларни ўз қўлингиз билан курганасиз.

Кўчалардан бирида чиройли бўялган уч қаватли кот-

теж эътиборни жалб қилди. Бу ҳам кўнгилли курувчилар меҳнатининг натижасидир: микробригадалар қисқа муддат ичида «Ойлави врач» программаси доирасида тиббий консултантлар учун минглаб бинолар қурдилар.

Эшик олдида ёш врач Рауль Кандебат меҳмонларин кутиб олади. У консултантларга салкам бир йил ишлаганини, шу унинг ўзи деди айтиди.

М. С. Горбачев ундан ўз территориясида неча қилган хизмат қиласиз, деб сўради.

Врач: 647 кишига, 141 оилга.

М. С. Горбачев: Бир кунда неча кишини қабул қиласиз?

Врач: Консултантларда ўрта ҳисобда 12—15 кишини қабул қиламан, кейин эса беморларимни кўриш учун уларнинг уйларига бораман.

М. С. Горбачев: Сизнинг ишингиз ва ҳаётингиз шундай олижаноб юмушлар билан тўла бўлишини истаймиз. Менимча, врач, айниқса, оилавий врач касбини ахшироқ касб йўли. Катта раҳмат. Ўз территориянгизга борганингизда беморларингизга биз билан Фиделдан салом айтинг. Хайр.

М. С. Горбачев билан Ф. Кастро бориб кўрган «бистехнология ва ген инженерия» марказини Куба фаннинг визит карточкаси деб атайдилар. Олимлар меҳмонларга ҳозир марказда 30 хилдан кўпроқ фермент олиниб, тозаланаётганини айтиб беришди. Буларнинг ҳаммаси жаҳон бозорига рақобат қила олади. Куба бистехнология соҳасида кўп мамлакатлар, шу жумладан, Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилаётганини таъкидладилар.

Совет раҳбари марказ коллективини билан хайрлашаётди. Куба олимларини ниҳоят муваффақиятлар тилади.

Шу кўни Куба пойтахтидаги конгресслар саройида СССР билан Куба Республикасининг ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

Шартномаи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев билан Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро Рус имзоландилар.

Гаванадаги конгресслар саройида Куба Халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг республикага М. С. Горбачевнинг расмий дўстлик визити муносабати билан қабирилган тантанали сессияси бўлди. Сессияни Халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси Раиси вазифасини бажарувчи С. Агирредель Кристо оиди.

Минбағра Ф. Кастро кўтарилди. У жумладан, бундай деди:

Ушбу сессияда ўртоқ Горбачев ва совет делегациясининг қатнашаётганлиги биз учун катта шарофидир. Бу унинг Кубага ва энг муҳими, Лотин Америкасига биринчи визитидир. Ҳозирги совет раҳбарлиги, совет халқи тинчликни қўллаб қарштаган куч-ғайратлар ҳақиқатан ҳам беёғир, айтиш мумкинлиги, Ленин Октябрь революциясининг кейин билдирган ақолиб гоғларингиз энг аниқ муқассамидир. Ана шу жағдада ўртоқ Горбачевнинг жуда катта шахсий хизматини, унинг ана шу соҳадаги улкан тўсиқларини бартараф этишига имкон берган ақли, пухта ва мардона сўзсизини таълим адолатли бўлди эди. Ана шу куч-ғайратлар тўғрисида Совет Иттифоқи ҳам, КПСС ҳам инсониятнинг миннатдорчилигига лойиқ, деб ўйлайман.

Совет Иттифоқи тинчликни катта ва кичик барча мамлакатлар учун қаболтишни таъминлаш деб тушунади. Биз унинг дунё мамлакатларини нималар ташвиш солаётганини билмасиз ва уларнинг ташвишларига қўшлаймиз.

Барча халқларимизнинг унинг дунё империализм ва унинг дунё мамлакатларининг мустақиллигини, бошқа давлатларнинг ишларига аралашмаслик принципа-

рини ҳурмат қилиши, мавжуд ҳукуматларга қарши ҳаракат қилаётган курувчиларга қурол-яроқ етказиб беришни тўхташ учун БМТда қураш олиб боришда, унинг дунё халқлари ва халқаро жамоатчилик олдига тинчлик учун қурашда Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш вазифаси турибди. Бутун планетада ҳаётини қўллаб-қувватлаётган ва қўллаб-қувватланаётган ҳамкорлик қилиш вазифаси турибди. Бутун планетада ҳаётини қўллаб-қувватлаётган ва қўллаб-қувватланаётган ҳамкорлик қилиш вазифаси турибди.

Ўртоқ Горбачевнинг ўз мамлакатидagi фаолияти социализмни ривожлантириш ва тақомиллаштиришга қаратилган.

Биз ҳам ўз навбатида меҳнатимизни тагин ҳам самарали қилиш, қийинчиликлар ва хатоларни тутатиш учун куч-ғайрат сарфламоқдамиз.

Совет Иттифоқи билан бизнинг ўртасида на халқаро сўбатда, на ҳар қанча ўз мамлакатида қилётган ишлар хусусида ҳеч қандай қўлланмаслик йўли йўқ. Инқилаб томон ва инқилаб партия бир хил принципларга, ҳар бир мамлакатнинг конкрет шартномага марксизм-ленинизмни қўллашни принципини асослайди.

Янги сийёсий тафаккурнинг моҳияти ҳар бир мамлакат социализмни куриш учун унинг шартноларига мос келадиган формуларни қўллашаётган принципини қатъий туриб ҳимоя қилишдан иборат деб ўйлайман, деб давом этди Ф. Кастро. Шундай қилиб, ҳар бир халқнинг ва ҳар бир мамлакатнинг суверен иродасини мутлақ ҳурмат қилиш — марксизм-ленинизмнинг энг асосий принциpidир.

Музокараларимиз, деди Ф. Кастро, жуда яхши ўтди. Улар қардошлиқ, ҳурмат руҳида ўтди. Куба раҳбари визит давомида имзоланган СССР билан Куба ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага юқори баҳо берди.

Барча соҳаларда бизнинг муносабатларимиз ниҳоятда яхши ривожланимоқда ва ҳозир Совет Иттифоқи революциядан кейин ўтган 30

йил мобайнида бизга берган жуда катта ерданимиз эсламаслик мумкин эмас, албатта. Совет Иттифоқи билан доимий ва қилин ҳамкорлик қилмаганимизда, халқимиз фахрланаётган муваффақиятларга эришмаган бўлар эдик. Ҳозир биз озолигимиз ва мустақиллигимизни ҳимоя қилиш учун зарур хавфсизлик даражасига эришган эканмиз, бунга Совет Иттифоқининг саҳийлик билан қилган ёрдами туфайли эришдик.

Бизнинг Совет Иттифоқи халқига, Коммунистик партиясига ва раҳбариятига миннатдорчилигимиз абадий, деб таъкидлади Куба раҳбари.

М. С. Горбачевга сўз берилди. У совет ишлари номида қарамон Куба халқига қизгин қардошлиқ салом ва энг яхши истақларини топишди, совет делегациясини шод-хуррамлик билан кутиб олганларини учун энг яхши мамлакат ва халқлар бирдамлиги ва дўстлигининг бизга шу унутулмас намоишига ўз қабол ҳароратини қўшган барча кишиларга миннатдорчилик билдирди.

Биз, Совет Иттифоқидогилар, деди совет раҳбари, Куба халқи нима учун революцияга отланганлиги, Кубага қурулган интервенцияни даф этишга, иқтисодий блокадани бошдан кечирishi, ташқаридан доимий ва ҳолдан толдирувчи тазийкалар беришига нималар имкон берганини яхши биламиз. Озолик оролда ўз мустақиллигини, ўзи талланган тарзда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қатъий аҳду паймон қилган марғур ва жасур халқ яшаётганлиги учун ҳам Куба баҳадор бери. Чунки, революция мамлакат раҳбарлигига юксак инсонпарварлик оруз-умидларига, социализм идеологиясига эришиши, халққа хизмат қилишига ўз олдига мақсад қилиб қўйган партияни олиб келди. Чунки, ниҳоят, тарих тақозоси билан бу партияга XX асрнинг атоқли революционерлардан бири, афсонавий тақдирли инсон — ўртоқ Фидель бошчилик қилди.

(Давоми унчиға бетда).

Марказий сайлов комиссиясида

4 апрель кўни Москвадаги союзлар уйда СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Территориал, миллий-территориал округлардан ва жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловининг якулини чикардилди. Комиссия раиси В. П. Орлов шу масала хусусида ахборот берди.

Мажлисда қайта этилгани, совет халқи партиянинг қайта қуришга қаратилган сийёсий йўлни зўр куч билан қўллаб-қувватлаётганини бўлиб ўтган сайловнинг асосий якунидир. Совет халқи мамлакатимизни демократик ривожлантиришнинг янги босқичида ноб сийёсий тақрибга орттирди. Сайлов жамоат турмушининг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларини янгилаш билан бир қаторда ўзининг иқтисодий, оммавий сийёсий активлиги ниҳоятда кенг қўлчанганлиги жиҳатидан қайта қуришнинг бутун қиёфасини узвий равишда тўлдирди, уни олға силжитди.

СССР халқ депутатлари сайлови сайлов комиссияларининг, партия, совет, касаба союз, комсомол таш-

килотларининг, меҳнат коллективларининг, жамоатчилигининг гоят катта сийёсий ишларига якун ясаб, социалистик демократия, халқ ҳокимияти совет системаси замирида қарорларни, манфаатларни, ёндашувларни ифода этиш учун қандай катта имкониятлар мавжудлигини яна бир бор таъкидлади. Сайлов кампанияси чоғидаги танқидий кайфият мана шу бурлиш босқичида партия ўртага қўйган ваифаларини муваффақиятли хал этишга қаратилган эди. Ўз ичидан жамият барча қатламларидаги кенг оммавий фаолилик даражаси жиҳатидан, ҳал этилаётган муаммоларининг янгилиги ва мураккаблиги жиҳатидан мамлакатимиз тарихида шу кампанияга тенг келадиган кампания бўлмаган эди, деб таъкидлади мажлисда.

Сайлов кампанияси иқтисодий кучларни жишлантиришга, жамоат ташкилотларининг маҳаллий ва марказий органлар ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашди, жамоат ташкилотларининг обуру-эътиборини оширишга имкон берди.

Партиянинг сийёсий системани ислоҳ қилишга, иқтисодий турмушни чуқур

демократиялашга қаратилган йўлига ҳали яқиниқанда тасаввур қилиш мушкул бўлган нарсаларини рўёбга чиқарди.

Марказий сайлов комиссияси тегишли сайлов комиссияларини тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, 1989 йилнинг 26 мартда территориял ва миллий-территориал сайлов округларидан сайланган 1225 нафар СССР халқ депутатини ва жамоат ташкилотларидан сайланган 732 нафар СССР халқ депутатини рўйхатга олди.

Сайлов якулини тўғрисидаги ахборот ва сайланган СССР халқ депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Комиссия мажлисида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигида кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешавилин, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ТАСС).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING 1989 ЙИЛДАГИ СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан ҳамда жамоат ташкилотлари сайлов комиссияларидан олинган СССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги протоколларни кўриб чиқиб қуйидагиларни хабар қилди:

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Сайлов округлари бўйича СССР халқ депутатлари сайлов учун сайловчилар рўйхати 192.575.165 киши киратиладган эди, овоз беришда 172.840.130 киши ёки 89,8 проценти қатнашди.

Иттифоқдор республикаларда сайловчиларнинг РСФСРда — 87,0 проценти; Украина ССРда — 93,4 проценти; Белоруссия ССРда — 92,4 проценти; Ўзбекистон ССРда — 95,8 проценти; Қозоғистон ССРда —

93,7 проценти; Грузия ССРда — 97,0 проценти; Озарбайжон ССРда — 98,5 проценти; Литва ССРда — 82,5 проценти; Молдавия ССРда — 90,5 проценти; Латвия ССРда — 86,9 проценти; Қирғизистон ССРда — 97,0 проценти; Тожикистон ССРда — 93,9 проценти; Арманистон ССРда — 71,9 проценти; Туркменистон ССРда — 96,1 проценти; Эстония ССРда — 87,1 проценти овоз беришда иштирок этди.

ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун мамлакат территориясида 750 территориял сайлов округи тузилган эди. Уларда депутатликка 1431 номзод овозга қўйилди. Бунда 196 округда сайлов бюллетенига

биттадан номзод, 473 та округда — иккитадан номзод, 81 округда — учта ва ундан кўп номзод киритилган эди. 749 сайлов округида сайлов бўлиб ўтди. 590 округда халқ депутатлари сайланди. Иккитадан кўп номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган 46 та округда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг 60-моддасига мувофиқ қайтадан овоз бериш ўтказилиши лозим.

Депутатликка 1—2 номзод овозга қўйилган 113 сайлов округида номзодлар сайловчиларнинг зарур миқдордаги овозини ололмадилар ва депутатликка сайланмадилар. Битта сайлов округида рўйхатга олинган сайловчиларнинг яримдан камроғи қатнашганлиги учун округ

(Давоми унчиға бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

Идеология комиссиясининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р. Н. Нишонов раислигида ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбек тили, миллий тил — рус тили ҳамда икки тилликнинг ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида республикада тил муаммоларини ҳал қилиш, барча миллатлар ва миллий гуруҳлар она тилидан фойдаланишда ўз аҳдларини қондиришига эътиборни амалдаги тилдаги эришиш юзасидан иш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга ўтган йилларда республиканин тил билан боғлиқ турмушда жамоатчиликни ташвишга солаётган бир қанча муаммолар кўндаланг бўлди. Меҳнатқашан муктабларида ўзбек тилини ривожлантиришнинг баъзи салбий тенденциялари, уни қўллашни соҳасининг торашиб ва иқтисодий вазифаларнинг чекланиши билан боғлиқ ташвиш ихроқ қилинмоқда.

Комиссия мажлисида ўзбек тилини янада ривожлантириш таъминлаш, ўзбек тилидан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш учун унга республика давлат тили статусини бериш мақсадага мувофиқ, деган фикр айтылди. Шу билан бир вақтда комиссия аъзолари ўзбек тилига давлат статуси берилиши бошқа миллатлар ва миллий гуруҳлар намоёнларининг меҳнатидagi му-

лоқотида, таълимида, турмушида ва фаолиятида ҳуқуқий жиҳатдан асло тўсиқ бўлмағлиги уларнинг она тилидан фойдаланиш имкониятларини қаматишига, ўзбекистоннинг ўзида ҳам, шуниқсен бошқа республикалар билан ҳам социалистик дўстлик алоқаларини нормал маромининг бузилишига олиб бормаслиги лозимлигини ўз нутқларида алоҳида таъкидладилар. Тилга янги сифат ҳолати бериш бир қанча конкрет чора-тадбирларни пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширишни талаб қилиши уқтириб ўтилди.

Идеология комиссиясининг республика ҳаётида ўзбек тилининг ролин янада оширишнинг биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлари тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқилди ва умуман маъқуллади.

Шу билан бирга кўп миллатли республикада нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаш вазифалари, Ўзбекистон ажралмас қисми бўлган федератив давлатимизда интеграция жараёнининг тўбора кучайиб бораётганлиги республикада халқлар миллатлараро алоқа воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган рус тилидан эркин фойдаланиш тўғрисида рағматқилин қилишни зарурат қилиб қўймоқда.

Туб аҳоли вакиллари рус тилини ўрганганини яхшилаш ҳамда ўзбек тилини, республикада яшайдиган бошқа халқлар тилларини билмайдиган кишиларнинг бу

тиллари ўрганишлари учун шартон яратиш, она тилидан фойдаланишда республикадаги барча халқларнинг эътиборларини тўлароқ қондириш мақсадага мувофиқ чириниш мақсадага мувофиқ қилиб, «Тиллар» комплекс программасини ишлаб чиқиш, икки тиллик ва кўп тиллик муаммолари юзасидан мувофиқлаштирувчи иқлим кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикрлар ҳисобга олиниб, тегишли қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш масаласини кўриб чиқишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига топширишга қарор қилинди.

Масалани муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. М. Сажиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология бўлимининг мудири Ш. С. Зиёмов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири Ш. Нибозов, Ўзбекистон ССР телевидение ва радиотелевизион давлат комитетининг раиси Н. Е. Фойибов, Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг артисти, СССР халқ артисти З. Муҳаммадзонов қатнашдилар.

ҲАМЗА ҚАЛБЛАРДА ЯШАМОҚДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришда, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда Ҳамза Ҳакимзода Нибзийнинг роли бебаҳодир. Аювий сўз устаси ўзининг бутун ҳаёти билан ва энг аввало назми билан революцияга хизмат қилди. Ҳамзанинг истеъдоди кўп қирралли у маърифатпарвар, машоҳ, бастакор, драматург, педагог, янги дунё граждани бўлиб, ана шу янги дунёни қуришда ўзи иштирок этди ҳамда революцияга ишонч унинг барча асарларига ялдам бахш этди. Ҳамза иқлодининг қайси бир қиррасига назар ташламайлик, у кўз олдимида аввало жонанон ўлканиннг гуллаб-яшнаши рус халқи билан дўстликка боғлиқ эканини кўра билган буюк интернационалист си-

фатида намоян бўлади. Ҳозир, янгилашди ва қайта қуриш даврида ҳам Ҳамза иқоди ва иқтисодий фаолиятининг аҳамияти буюқдир. Унинг ўлмас асарлари замонавий руҳда ва актуал лиграммоқда, улар жўшин революцион давримизга ҳам оҳангдир.

Ҳамза Ҳакимзода Нибзий туғилган кўннинг 100 йиллигини ўтказиш ташкилот комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гап берди.

Мажлисини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов олиб борди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, юбилей комиссиясининг секретари Л. П. Қаюмов,

республика Ёзувчилар союзини раъласининг биринчи секретари О. Екубов, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажимиддинов, Фарғона областий иқтисодий комитетининг раиси Ҳ. Мажитов, Граждан авиацияси бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари А. М. Тарсунов мажлисда ахборот бердилар.

Юбилейга бағишланган тадбирлар бутун Ўзбекистонда ўтказилиши таъкидланди. Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва Қозоғистонда озолик қуйиси, санъаткор, гражданд ватанпарвар шонига зўр хурматни ифодалаб, революция жарчиси юбилейини таънатанли нишонлашга таъйиғарлик қўрилмоқда. Бир қанча қардош республикаларда ҳозирнинг ўндаёқ

адабий кечалар, китобхоналар конференциялари, ҳам-захонликлар ўтказилди. Чунки, Қозоғистоннинг бир вақтлар шоир ўқитувчи бўлиб ишлаган Туркистон шахридаги мактаблардан бирида Ҳамзаниннг жамоатчилик музейи учун материаллар тўпламоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари маъмур мактабга хужжатлар, фотосуратлар ва китобларнинг бир қисминини топширдилар. Тошкент адабиётшунос олимлари гуруҳи ердан бериш учун қозоқ дўстлари хузурига боришга таъйиғарлик қўрилмоқда. Туркменистонда бир вақтлар бу ерга Ҳамза келган ағитпозед маршрут бўйлаб сафар қилишга таъйиғарлик қўрилмоқда. Тожикистонда озолик қуйиси танланган асарлари тўлаи нашр этилди, яқин кунларда Душанбеда юбилейга

бағишланган илмий-назарий конференция очилди.

Комиссия Ўрта Осиё регионини барча республикалари га муктаб ўйлаб, ана шу республикалар билан келиши олиганлик жамоатчиликни, иқдорку ва илмий эътилол вакиллари кенг жалб этиб, ҳамма жойда бир қанча тадбирлар ўтказиш истагани билдирди.

«Ҳамза» кемасида июнь ойида ўтказилган таънатанли ҳақида гапириб берилди. Москвадаги Люблин ва Таганка районлари билан Тошкент шаҳрининг Ҳамза району ва Фарғона областида Ҳамза шахри ўртасида дўстона оталиқ алоқалари ўрнатилди тўғрисидаги ахборот тингланди.

Мажлис қатнашчиларига шонининг ватани — Фарғона областида, хусусан Ҳам-

заобод ва Қўқонда таъйиғарлик ишлари қандай бораётганлиги ҳақида ахборот берилди. Қурилиш ва ободончиликка доир барча ишларини мундарида ва сифатли тугатилган зарурлиги уқтириб ўтилди.

Мажлисида асосий таънатанлиларни ўтказиш вақти аниқланди. Тошкентда 20 май кўни, Намангонда Давлат академик катта театрини биносида юбилей кечаси ўтказилди, унда барча иттифоқдор республикалардан, чет мамлакатлардан келган меҳмонлар қатнашадилар. Сўнгра таънатанли шонир ватанида давом этди. Москвада Союзлар уйининг Колонна залыда 24 май кўни ўтказилган таънатанли кеча юбилейни байрам қилишнинг якуновчи тадбири бўлади.

(ЎзТАГ).

ХИЗМАТ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Апрель ойининг ўрталарида Тошкентда Ўзбекистон партия-ҳўжалик активларининг саясий мажлиси бўлиб, унда КПСС Марказий Комитетининг янгилик таъкид этишда ва хизмат соҳасида тартиб ўрнатишга оид энг зарур тадбирлар тўғрисидаги 1988-йил 4 июль қарорининг навбат кутуб тузишларини тугатиш қисми қандай бажарилаётганини кўриб чиқилди.

Шу йилгида қилинадиган докладнинг тезислари қуйида эълон қилинмоқда. Республика коммунистлари, барча граждандлария жамиятининг энг ўткир социал-нашйини муаммоларидан бирини сирдан муҳокама қилишга тақлиф этилади. Меҳнатқашаннинг тақлифлари почта орқали газеталарнинг редакцияларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде, шунингдек (13 апрелга қадар) қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади. 39-53-53 ва 39-52-55.

(Доклад учун тезислар газетанин 2 ва 3-саҳифасида эълон қилинмоқда)

Фототахборот

Фазокорлар Самарқандда

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР Космонавт унвонига Юрий Васильевич Маллишев ва Германия Федератив Республикаси астронавти Эрнст Мессершмидт рафиқаси билан Самарқанд шаҳрида бўлдилар. Улар Тинчлик музейини бориб кўришди.

Маълумки, бу музей мамлакатимизда ягона. У жамоатчилик асосида юзага келтирилган. Ер қуррагининг турли минтақаларида яшовчи тинчлик ва дўстлик тарафдорлари юборган юзабоқ плакатлар, аначоқлар, эъдалик китоблари музейнинг асосини ташкил этади. Меҳмонлар фахрий китобда эъдалик ёзувини қолдиришди.

Фазокорлар қадимий Самарқанднинг бой архитектура ёдгорликлари билан танишдилар. Улар Самарқанд давлат университетини ўқитувчилари ва студентлари билан учрашди. Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтини бориб кўришди. Самарқанд шаҳар партия комитетининг партия-ҳўжалик фахрий билан шўбат ўтказилди.

Суратда: Ю. Маллишев ва Э. Мессершмидт рафиқаси Гудрин музей экспонатлари билан танишмоқдалар.

Р. ҒАҒУРОВ фотоси, (ЎзТАГ).



ИЗТОПАРЛАР ҚИДИРИШАДИ

Витебск областининг Дворниче қишлоғи этақларида қардошлик мазори бор. Бу ерда Улуу Ватан урушида ўз жонини фидо қилган 1 минг 600 га яқин совет жангчиси мангу ўйида ётибди. Узоқдан қўлга кўрилган солдатнинг мағрур қийфаси кўнга ташланади. Унинг атрофида гуллар ва гулчамбарлар денгиз. Қаҳрамонлар хотирасига таъзим бажо келтириш учун бепойи мамлакатимизнинг турли республикалари ва областларидан бу ерга келишди.

1944 йил 14 февралда сўнгги бор жангга кирган. Улимидан сўнг учинчи даражали «Шўх» ордени билан мукофотланган.

Курбонбой УРОЗОВ, оқдий солдат. Архив ҳужжатларига кўра урушдан олдинги йилларда Урозов Қорақалпоғистоннинг

сон районидан фронтга кетган. У душман билан Ғарбий ва Марказий фронтларда курашган. Икки марта жароҳатланган. 1944 йил февралда «3218» дала почтаси ўқува батыонига — Витебск областининг собиқ Сиротинск районига (ҳозир Шумилин району)

А. Жўраев Самарқанд областининг Пастдарғом районига оқдий колхозчи бўлган. Белоруссиянинг озоқ қилдиш учун бўлган жангларда оқдий солдат «11078» дала почтасига қарошли бўлинида ўқини-автоматчи сифатида хизмат қилган. 1944 йил 1 февраль кунини Ви-

сия территориясидаги кўпгина жанглар қатнашчиси, Қизил Юлдуз ордени ва иккита медал соҳиб, 1340-ўқини полк составида жанг қилган. 1944 йил 31 январда Дворниче қишлоғи учун бўлган жангларда сафдан чиққан бўлини командирини сержант Саманченковнинг ўрнини эгаллаган. Бир гуруҳ жангчилар қишлоққа бостириб кириб, гитлерчилар билан кўча жангларини олиб борган. Ана шу кун душман ўқи масур солдат ҳаётини сўндирган. Улимидан сўнг унга «II даражали Ватан уруши» ордени берилган.

Бу жангчиларнинг ноалари қардошлик мазоридангиз мармар тошга зарҳал қарфлар билан битилган. Эҳтимол ана шу сарғиларга кўн тушган уларнинг қариндош-уруғлари бизга хат ёзишар. Уларнинг ҳаёти ҳақида маълумот беришар, балки уларнинг қариндош-уруғлари ўз жигарбақдирларини қабри қаврдаги шайиш шун кўнганга аниқ билишас. Биз уларнинг мактубларини кутамиз.

Евгений ИВАНОВ, Гомель шаҳридаги 43-лоқда алоқа ўлкашуну — изтопарлар қидирув гурупининг раҳбари (146043). Гомель шаҳри — 43, Бакутин преруоги, 88—8).

Усмои ТУРДИЕВ, оқдий солдат. Усмои Турдиев урушдан олдин Андижон областининг Ленинск районига яшаган. Фронтга шу ердан қақрилган. У Псков области ва Белорус-

БАРҲАЁТ НОМЛАР

Кўнгириот районига яшаган. Белоруссия тупроғида бўлган жангларда «28671» дала почтасининг алоқиди пулемёт ротаси составида хизмат қилган. Рота жангчилари 1944 йилнинг 3 февралда Жеребичи қишлоғи учун шидатли жанглар олиб борганлар. Ана шу жангда 80 дан ортқ солдатдан ҳаммаси бўлиб 18 киши омон қолган. Қолганлари эса, шу жумладан Курбонбой Урозов ҳам ҳалок бўлган. Улимидан сўнг «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган.

Йўлдош АЛАШЕВ, оқдий солдат. Қашқадарё областининг Ко-

территориясида жанг қилган. Фашистлар қаттиқ қарошлик кўрсатишар, айниқса Дворниче қишлоғи учун бўлган жанглар оғир келганди. Шу ерда пайда аскарларимизга қарши гитлерчилар «тигрларини» миға солдатлар. 4 февраль кунини оқдий солдат Алашев гранаталар боғламани белгига боғлаб душман танкини портлатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ана шу масорати учун ўзбек ўғлини «Кизил юлдуз» орденига сазовор бўлди.

Абдуқур ЖўРАЕВ, оқдий солдат. Урушгача бўлган даврда

Усмои Турдиев урушдан олдин Андижон областининг Ленинск районига яшаган. Фронтга шу ердан қақрилган. У Псков области ва Белорус-

ФУТБОЛ

БУГУН БИРИНЧИ ЛИГА ФУТБОЛ КОМАНДАЛАРИ УРТАСИДА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

Олий лига коллективлари ўртасида баҳс бошланганига бир ой бўлиб қолди. Энди навбат совет футболининг резерви — биринчи лига командаларига. Бугун мамлакатимиз ўн шаҳрида мли бор футбол марши янграб, биринчи лига футболчилари майдонга тушадилар. 22 коллектив футбол марфондада китирок этиб, олий лигага йўллама олиш учун курашади. «Пахтакор» футболчилари қаторасига бешинчи мавсумини олий лигага даъвогар тарзида ўтказишга шайлинишди.

Футболчиларимиз мавсумга ҳозирликни барвақт, ўтган йил охирида бошланган эди. Ўзв-тайёргарлик машғулотлари қатори учрашуларда баҳслашиб, шайлини тобига етказишга ҳаракат қилинди. Чунинчи, Фарғонада ўтказилган Бутуниттифоқ турнири, Болгария ва Яман республикаларидаги сафар учрашуларидида юқори натижалар қайд этилди. Мавсум арафасида эса пахтакорчилар биринчи лига кубоғи учун учрашуларини кўтаринки рўйда ўтказиб, мухлисларини қувонтиришди. Энди «Пахтакор» ярим финал ўйинларини кўз оқларида ўтказди. Маълумки, командамиз ўтган йили шундай кубокни қўлга киритган эди. Низомга мувофиқ бу гад ҳам совриндорлик насиб этса, асарият футболчилар спорт мастери талабини бажарган бўлишди.

Мухлислар, нега пахтакорчилар устоз яна алмашди, деган эътирозни билдиришди. Менимча, командага муносиб тренер тайёрланди. Бонси, Виктор Носов Уртинан ССРда хизмат кўрсатган тренер бўлиб, унинг муваффақиятлари мутахаассилар томонидан эътироф этилган. У Дорнеқнинг «Шахтёр» футболчиларига устозлик қилган. Унинг раҳбарлигида бу команда икки марта СССР кубоғи ва бир бор мавсум кубоғини қўлга киритган. Бундан ташқари қончилар мамлакат чемпионатининг кумуш медалига эга бўлишган. Ҳозир тақрибли муррабий В. Носов таниқли пахтакорчи Тулаган Исоев, республикада хизмат кўрсатган тренер Виктор Борисовлар билан ҳамкорликда ишламоқда. Шунингдек, ёрдамчи тренер педагогика фанлари кандидат Аскар Ғолибовов ҳаммаи ишлар бўйича кўмаклашмоқда.

юрган спортчининг марра чизини кишиб ўтиши эмас. Бунинг учун коллектив ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан маҳоратини, тақрибарини орттирган ҳолда, етарлича ўринбосарларга эга бўлиб кучлилар сафига қўшилган маъкул. Акс ҳолда олий лигада дуруст ўйнай олмай, аросатда юриш ҳеч гап эмас.

Мухлислар ўртасида: «иккинчи лигада маза, бирин-

сабати билан Тошкентда ҳалдан турнир ўтказиш кўзда тутилган. Бу муСОбақага ҳалокатга учраган «Стронгис» (Болливия), «Альянс» (Перу), «Торино» (Италия), «Манчестер юнайтед» (Англия), «Риан кросс» (Чили) командалари тақлиф этилади. Агар «Пахтакор» стадионига кираверида футболчилар хотирасига бағишланган ёдгорлик барпо этилса, айни муддао бўларди.

лектив қуйидаги ўйинчилардан иборат: дарвозабонлар Александр Яновский билан Евгений Корнохин, ҳимоятчилар Геннадий Денисов, Сергей Ковшов, Сергей Бондаренко, Маастро Билолов, Александр Кокухов, Усмои Ташев, ярим ҳимоятчилар Василий Постнов, Мирқалол Қосимов, Андрей Микляев, Андрей Пятницкий, Геннадий Роткович, Улутбек Ру-

еттаб эди. Бу футболчиларимизнинг қафийлатири соз, руҳлари баланд эканидан далолатдир.

Командада ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳимоя чизинини мустаҳкамлаш. Сабаби, мудофадга кўпроқ иши «улуг» футболчилар тўпланиб қолган. Агар ҳужумчилар билан ярим ҳимоятчиларнинг ўртача ёши 24—25 атрофида бўлса, ҳимоятчилар 27, дарвозабонлар 30 ёшга тўғри келмоқда. Биз ҳужумкорлик суръатини бўшаптирмаган ҳолда командани ёшлар ҳисобига тўлдириб боришни мулккалаганимиз. Ҳозир командада 18-20 ёшли бир қанча истеъдодли ўйинчилар тўпланган. Ўғлаймизки, улар яқин келажакда коллективнинг таниқли футболчиларидан бирига айланишди.

Коллективда соғлом мухит юзага келган. Денисов, Билолов, Қосимов ва Микляев каби ўйинчилар ибрат кўрсатишмоқда. Айниқса, тақрибли Билоловнинг ҳулқи-аъвори кўчлиликка йилуна, ўтган йили пахтакорчилар лигадошлари орасида энг иштиомли коллектив деган номга муассар бўлишганди. Бу йил ҳам ана шу ютуқни бой бермасликни ҳарайат қилмайми. Ўғлаймизки, «Пахтакор» командасининг ҳўжалик ҳисобига ўтиб, клуб номини олинчи ҳам ишимизнинг янада ривожланишига катта улуш ўшади. Демак, команда олдида яна бир масъуляти вазифа — у ҳам бўлса мустайид бўлиш, яъни мухлислар эътиборини қозониб, уларни стадионга янада кўпроқ ташриф буюришларини таъминлаш зарур бўлиб турибди.

А. ИНОМЎҲЖАЕВ, «Пахтакор» командаси бошлиғи.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Юрий Петрович Литвиненконинг ишдаги қамчиларини учун Ўзбекистон ССР савдо министри вазирандан озоқ этди.

Мухаррир У. УСМОНОВ.

«ПАХТАКОР»: ЎНГЛАНИШ МАВСУМИ



Ҳўш, команда бу йил олий лигада чиқадими? Пахтакорчиларнинг мухлислар билан учрашуви ва қўллаб мақтубларда ана шу савол. Тўғри, «Пахтакор»нинг олий лигага қайтиши ҳўзалиб кетди. Иштиоблар бир йил, кули билан икки йилда ороу ушалишига ўрганишган. Айниқса, мавсум бошида олий лигага қайтишга армонга айланган сир эмас. Ҳар қалай мухлисларини ишонтариш учун имкониятлар аниқ ҳисоб қилинган маъкул. Чунки команда олдида: «Мақсад битта. Фақат олий лига» деган талабини қўйиб бўлмайди. Сирасини айтганда, қаттиқ бел боғласан, ведоқлиқ қилиб бўлмасан шу йил ҳам олий лигага чиқиши миз мумкин. Аفسуски, бунинг нафи қамроқ бўлади. Сабаби мақсадга еришиш —

чиди яқин, олий лигада қилишга деган гап бор. Биз эса ўша яқинда қилинган кўчани режалаштиришимиз. Мақсад яқин йиллар ичида пахтакорчилар коллективини мутлоқ ўнглаб, мастерлар сафини кенгайтириб, олий лигагачилар сафига елкама-елка ўйин кўрсата оладиган, мамлакат тарода шаклланишини исатгайми. Анганига кўра футболчиларимиз мавсум арафасида собиқ пахтакорчилар хотирасига бағишланган ёдгорлик поёига тулқинбарлар қўлиб, мухлислар ишончини оқлашга ваъда қилдилар.

Умуман бу йил собиқ пахтакорчилар хотирасига муносиб нишонлаганда ҳозирлик қўришмоқда. Авнация ҳалокатининг 10 йиллиғи муно-

Одатда катта футбол арафасида мухлислар коллективиди юз берган ўзгартишлар билан қилинади. Командамиз бу борда бирмунча ишлар қилинди. Чунинчи Александр Михель «Найрат», Марат Кабаев «Днепр»га, Низом Нортонкиев Андижон спартакчилари сафига ўтишди. Эъ ўрнида Андижон спартакчилари билан Мақсуд Ирисоев, шунингдек Владимир Кобзев («Ростсельмаш»), Равшан Мухадов (Ашқобод), Улутбек Ғуломов («Най-такор» мактаби) ҳамда Андрей Микляев армия хизматиди келин пахтакорчиларга қўшилдилар.

Пахтакорчилар чемпионат учрашуларини бирмунча яқинланган ва ёшаран состав тўпланган очколар 52 тага

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИН 58-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1989 ЙИЛ 30 МАРТДА БРЕСТ ШАҲРИДА УТНАЛДИ. Заёмнинг қирқ уч рақидидаги серия ва облигацияларининг қўядаги номерларига ютуқлар чиқди.

Table with columns for serial numbers, bond numbers, and amounts. Includes rows for 200083, 200343, 200541, etc.

Шу сирнидаги облигацияларнинг қолган 88 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 58 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сирнидаги облигацияларнинг барча номерларига, айнан 200, 500, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорда ютуқ чиқадиган унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқди ва облигация бўлинди. 800, 1100, 2800, 5100, 10100 сўм тўланганда, 25 сўм қилма-тидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам икерики.

Маъмур мақолат расий ҳўжалик ҳисоблабни, СССР Жангар-малар банкининг муассасалари ана шу ҳўжат асосида газетанинг мақолати сони чиққан кўндан бошлаб ютуқларини белгиланган тартибда тўлай бошлади.

Ютуқлар тиранини ўтказиш комиссияси раиси — ҳалқ депутатлари Брест шаҳар Совети икерики номити. ти расийнинг ўринбосари Л. П. ПИРОГОВСКАЯ.

Комиссия масъул секретари — В. А. ПРИТКОВА.

Театр

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИНИ СТАДИОНИДА 6 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА СССР 52-ЧЕМПИОНАТИ УЧУН 1-ЛИГАНING «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ГУРИЯ» (Ланчхути) командаларини ўртасида ФУТБОЛ

Муқимия номидидаги ўзбек давлат музикали катта театрида — 6/IV да Ур. тўмоқ (15.00). Тошбола оқиш (19.00), 7/IV да Начал повнов ва гарисел (15.00), Концерт (19.00).

Ўзбек давлат «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/IV да Эмфат (19.30), 7/IV да Парвона.

Цирк

Тошкент давлат циркида — «Хит — парад голиби» (8. 7/IV да 19.30 да).